

ЎЗБЕКИСТОН РУСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳукукида

Ҳамидов Шаҳбоз

“Самарқанд вилоятида савдо корхоналарини самарадорлигини
ошириш йўллари”

5A230102 «Иқтисодиёт» (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия қилинди.
«Иқтисодиёт» кафедраси
муdiri, и.ф.н. Ш.А.Султонов

Илмий раҳбар: проф. Абдукаримов Б.

_____ «__» _____ 2015 й.

САМАРҚАНД – 2015

МУНДАРИЖА

	КИРИШ.....	3
I БОБ	Савдо корхоналарини иқтисодий барқарорлигини илмий-назарий асослари.....	11
1.1	Савдо корхоналарини иқтисодий барқарорлигини мазмуни, моҳияти ва иқтисодий аҳамияти.....	11
1.2	Савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар.....	21
1.3	Савдо корхоналари фаолиятини самарали ташкил этишни ҳуқуқий асослари.....	32
	1-боб бўйича хулоса.....	35
II БОБ	Самарқанд вилоятида савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳолати.....	36
2.1	Самарқанд вилоятида савдо корхоналарини чакана товар айланмаси кўрсаткичларини ўзгариш тенденциялари.....	36
2.2	Савдо корхоналарида товар айланишини ҳажми ва таркибини ривожлантириш босқичлари.....	43
2.3	Самарқанд вилоятида савдо корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларини таҳлили.....	52
	2-боб бўйича хулоса.....	59
III БОБ	Самарқанд вилоятида савдо корхоналарининг иқтисодий барқарор ривожлантиришни концептуал йўналишлари.....	60
3.1	Чакана савдо корхоналарини ривожлантириш стратегиясидан самарали фойдаланиш истикболлари.....	60
3.2	Савдо корхоналарини чакана товар айланмасини ривожлантириш йўллари.....	70
3.3	Самарқанд вилоятида савдо корхоналарини самарали фаолият кўрсатишига таъсир этувчи омилларни давлат томонидан тартиблаштириш.....	76
	3-боб бўйича хулоса.....	82
IV БОБ	Савдо корхоналари фаолиятини самарали ташкил этишнинг истикболлари.....	83
4.1	Савдо корхона фаолиятини самарали ташкил этишда бизнес муҳитини таъсири.....	83
4.2	Савдо корхоналари фаолиятини самарали ташкил этишга таъсир этувчи омилларни юмшатиш йўллари.....	89
4.3	Аҳолига самарали савдо хизматларини кўрсатишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари ва истикболлари....	92
	4-боб бўйича хулоса.....	96
	Хулоса.....	97
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	98

] II

Мамлакатимиз тараққиёти савдо корхоналари барқарорлигини таъминлашни тақозо этади. Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти ўз навбатида уни ташкил этувчи минтакалар иқтисодиётини эркинлаштириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш ҳудудлар иқтисодий салоҳият ва имкониятларига ҳамда савдо корхоналари фаоллигига боғлиқдир. Ҳудудлар кесимида иқтимоий-иқтисодий харажатларнинг асосий қисми солиқлар воситасида молиялаштирилади. Шу сабабли, ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос иқтисодий ҳолати ва имкониятларини эътиборга олган ҳолда савдо бозор механизми ва самарадорлигини ошириш ҳозирги шароитда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда устувор аҳамият касб этади.

Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида унинг ҳудудларини ривожлантиришда савдо корхоналари самарадорлигини таъминловчи муаммоларни ўрганиш зарурлиги яққол намоён бўлмоқда. Савдо корхоналари, ишлаб чиқариш имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик, аҳолини иш билан таъминлаш ва бошқа шу каби ҳудудий иқтисодиётни ривожланиши билан боғлиқ муаммолар илмий асосланган ҳолда ёндашувни тақозо этади. Айниқса, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан етарлича ривожланмаганлиги, инвестициялар оқими мамлакатимизнинг ривожланган ҳудудлардаги корхоналарга йўналтирилаётганлиги, шарт-шароит ва имкониятлар хилма-хиллиги оқилона савдо корхоналари иқтисодий сиёсатини олиб боришни тақозо этмоқда.

Барқарор иқтисодий ўсиш миллий иқтисодиёт ривожланишини умумлаштирилган ҳолда акс эттирувчи ва иқтисодий тизимнинг аҳолини ўсиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларини, турмуш сифатини яхшилаш қобилиятини ифодаловчи муҳим макроиқтисодий категория ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Шу борада бизнинг республикамизда амалга оширилаётган чоратadbирлар мамлакат иқтисодиётининг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг мисоли сифатида беш асосий тамойил моҳиятидан келиб чиққан чоратadbирларни амалга ошириш нафақат давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларига барҳам бериш, балки сўнгги йиллар давомида давлат бюджети профицит билан ижро этилишини таъминлаш имконини ҳам берди. Бу ҳол республикамизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат самарадорлигининг, мамлакат савдо баланси ҳолати барқарорлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир.

Ўзбекистонда 2011-2015 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадли дастури ва миллий иқтисодиётни модернизациялаштиришга қаратилган инвестиция меъёрини янада ошириш, жумладан унинг омиллари таркибида товар айланмаси ва савдо хизматини ошириш мақсадга мувофиқдир.

Макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозида савдо соҳаси корхоналарининг асосий йўналишларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги савдо айланмасини оширишда иқтисодиёт ривожланишининг юқори ва барқарор суръатлари, макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, ижтимоий соҳа тармоқларини изчил ривожлантириш, иш ҳақи миқдорларини илдам ошириб бориш ва манзилли ижтимоий кўллаб-қувватлаш орқали мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш белгиланган.

Глобаллашув жараёнлари савдо корхоналари орқали кўрсатилаётган хизмат ва савдо айланмасига жиддий салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, айрим савдо корхоналарига бозордаги улушини қайта тиклаш учун янги имкониятлар очиб берса ажаб эмас. Шундай экан, савдо корхоналарини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари сифатида рақобатбардош хизмат кўрсатиш ва таркибий қисларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш; маҳаллий

саноатда юқори технологияларга асосланган товарлар ишлаб чиқариш салмоғини ошириш; савдо ва унга яқин тармоқларда ўзаро боғлиқ кооперацияларини шакллантиришни белгилаган ҳолда савдо маркетинг стратегиясини такомиллаштиришда юзага келган мураккаб вазиятдан келиб чиқиб истеъмолчиларнинг молиявий имкониятлари, эҳтиёжларини тўғри аниқлаш ва уларни тўлиқ қондиришга ҳаракат қилиш муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримов “2010 йилда ... хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш” вазифасини қўйди¹. Бу ўз навбатида савдо хизмат соҳасининг ҳам оқилона ривожланишини таъминлашни, аҳолига хизмат кўрсатишнинг сифатини оширишни тақозо қилади. Чунки бир томондан, жаҳон ташқи омиллар таъсирини кескинлашуви, иккинчи томондан эса, корхоналарни ривожланишини бугунги кун талабларига ҳар томонлама жавоб берадиган иқтисодий механизм шаклланмаганлигидадир.

Буларни инобатга олиб, Президентимиз И.Каримов “... жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш, озиқ-овқат ва бошқа истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш ...”² зарурлигини алоҳида таъкидлаганлар. Ушбу муаммоларнинг ечимини топишда савдо фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Чунки савдо корхонасининг ҳолатини, ривожланиш тенденциясини, ташкилий – иқтисодий механизмларини мунтазам тадқиқ қилиш ва унинг самарадорлигини оширишнинг концепциясини ишлаб чиқишни объектив зарурият сифатида майдонга чиқмоқда.

Савдо соҳасида ижобий мулкӣ ва ташкилий туб ўзгаришлар рўй берганлигига қарамасдан, бу соҳада ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолар мавжуд. Ҳозирги шароитда савдо соҳаси субъектларида фаолият юритиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатнинг модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устивор мақсадимиздир” маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январ.

² Каримов И. Жаҳон молиявий - иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009, 35 б.

улар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масалаларини назарий ва амалий нуктаи назардан ўрганиш талаб этилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан савдо соҳаси субъектлари фаолиятига тааллуқли муаммолар тизимли равишда хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганиб келинган, уларга қуйидагиларни киритиш мумкин, яъни Гари Джоунз³, А. Крие, Ж. Жаллэ⁴, Л.А. Брагин⁵, К.А. Раицкий⁶, О.В. Чкалова⁷, Джон Ферни⁸, В. Снегирева⁹, С. Сысоева¹⁰, А.М.Фридман¹¹, В.С. Марцин, И.Т. Петрук, М.В. Панасюк¹², В.К. Памбухчиянц¹³, Д.Е. Давыдянц¹⁴лар томонидан тадқиқ қилинган. Республикамизда савдо соҳаси муаммоларига бағишланган бир қатор иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларини келтириш мумкин. Хусусан, А.С. Солиев¹⁵, М.Қ. Пардаев¹⁶, Б.Ю. Ходиев¹⁷, К.Б.Уразов, Б.Сафаров, Н.Йўлдошев, Ш.Эргашходжаева, И.Иватов, Б.Абдукаримов, Н.Комиловалар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда савдо соҳасини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг иқтисодий асосларини глобал молиявий ўзгаришлар

³Гари Джоунз. Торговый бизнес: как организовать и управлять. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. -304 с.

⁴Крие А., Жаллэ Ж. внутренняя торговля. Пер. с фр. – М., А/О «Прогресс» - «Универс», 2005. – 192 с.

⁵Брагин Л.А. и др. Торговое дело: экономика и организация. – М.: ИНФРА-М, 1997. -256 с.

⁶Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник. – М.: 2000. – 315 с.

⁷Чкалова О.В. Торговое дело. – М.: Эксмо, 2008. – 320 с.

⁸Джон Ферни и др. Принципы розничной торговли. Пер. с англ. Сапциной У. – М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 2008. -416 с.

⁹Снегирева В. Розничный магазин. Управление ассортиментом по товарным категориям. – СПб.: Питер, 2005. - 416 с.

¹⁰Сысоева С.В. Крок Г.Г. большая книга директора магазина. – СПб.: Питер, 2009. 432 с.

¹¹Фридман А.М. Экономика предприятий торговли и питания потребительского общества. Учебник. – М.: «Дашков и К» 2008. – 628 с.

¹²Марцин В.С., Петрук И.Т., Панасюк М.В. Економіка сноживчоїкооперації. – К.: Либідь, 1996. -400 с.

¹³Памбухчиянц В.К. Организация, технология и проектирование торговых предприятий. Учебник. – М.: ИВЦ «Маркетинг», 1998. – 320 с.

¹⁴Давыдянц Д.Е. Показатели и оценка эффективности экономики в условиях рыночных отношений (макро – и микроуровни). – Ставрополь: «Кавказский край», 1998. – 492 с.

¹⁵Солиев А. Маркетинг. Бозоршунослик. – Т.: “ART - FLEX”, 2008. – 416 б.

¹⁶Пардаев М.Қ. бозор иқтисодиёти шароитида корхонада фойда ва рентабеллик тахлили. Самарқанд. СамКИ, 1998.

¹⁷Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

шароитида ташкил қилиш макроиқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан эканлиги иқтисодий адабиётларда эътироф этилиб келинган бўлсада ҳам савдо соҳасини глобаллашув ва иқтисодиётни модернизациялаш муаммоларидан келиб чиқиб ривожлантириш асосларини шакллантириш, савдо корхоналарининг самарадорлигини ошириш ва уларни амалда тадбиқ этиш муаммоси назарий ва методик жиҳатдан саёз ўрганилган. Айнан шу ҳолат магистрлик диссертациясининг мақсади ва вазифаларини белгилаш учун асос бўлди.

Магистрлик диссертация ишининг илмий - тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Магистрлик диссертация мавзуси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодиёт” кафедрасининг илмий – тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдода бозор механизмини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг ташкилий – иқтисодий омилларини тадқиқ қилиб, соҳани ривожлантиришнинг ички имкониятларини ошириш бўйича илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, тадқиқотнинг қуйидаги вазифалари белгилаб олинди:

- ✓ савдо корхоналарини иқтисодий барқарорлигини мазмуни, моҳиятини ва иқтисодий аҳамиятини назарий-методологик жиҳатдан ёритиб бериш;
- ✓ савдо корхоналари иқтисодий барқарорлигини белгиловчи ҳолатларни тадқиқ қилиш;
- ✓ мамлакатни модернизациялаш шароитида Самарқанд вилоятида савдони тартибга солиш ва самарадорлигини оширишнинг назарий томонларини ўрганиб чиқиш;
- ✓ савдода бозор муносабатларининг шаклланиши ва уларни ривожланиш босқичларини ўрганиш;
- ✓ савдо корхоналарини ривожлантириш бўйича чет эл тажрибасини ўрганиш ва уларнинг ижобий томонларини Республикада тадқиқ қилиш бўйича илмий – услубий ва амалий тавсиялар тайёрлаш;

✓ савдо корхоналари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган ҳуқуқий – меъёрий асосларини ўрганиш ва ушбу масалаларни янада такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш;

✓ Самарқанд вилоятида савдо корхоналарининг инфратузилмасини ҳолати ва ривожланиш тенденцияларига қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқоқот объекти. Мамлакатимизда, шу жумладан Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган савдо соҳаси билан шуғулланаётган турли мулк шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларни турли товар айланмасини тартибга келтириш ва ривожлантириш механизмлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети. Савдо соҳасининг самарадорлигини ошириш ва такомиллаштириш механизмлари билан боғлиқ бўлган иқтисодий – ижтимоий муносабатлар мажмуасидан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида диалектика, таҳлил, қиёслаш, гуруҳлаш ва шу каби усуллардан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- савдо корхоналари иқтисодий барқарорлигини белгиловчи ҳолатларни илмий – назарий жиҳатдан исботланганлиги;
- савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш йўллари;
- савдо корхоналарининг самарадорлик кўрсаткичларини қиёсий таҳлиллари;
- савдо корхоналарини чакана товар айланмаси кўрсаткичларини ўзгариш тенденциялари ёритиб берилганлиги;
- савдо корхоналарида иқтисодий самарадорликни оширишнинг концептуал йўллари.

Илмий янгилиги. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида савдо корхоналари фаолиятини такомиллаштириш ва уни самарали фаолият юритиши бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Хусусан:

- бозор иқтисодиёти шароитида товарлар ва хизматлар бозорининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти, аҳамияти ёритилган;
- мамлакатни модернизациялаш шароитида савдо корхоналари фаолиятини тартибга солиш механизмлари илмий – услубий жиҳатдан асослаб берилган;
- савдо корхоналари самарадорлигини моҳиятини назарий – методологик жиҳатдан ёритилган;
- савдо корхоналарини ривожлантириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилган;
- савдо корхоналари фаолиятини ривожлантириш борасида хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларни Республикада жорий қилиш жиҳатлари бўйича илмий – услубий ва амалий таклифлар ишлаб чиқилган;
- савдо корхоналари фаолиятини ривожлантириш механизмининг давлат томонидан тартибга солиш ва такомиллаштириш юзасидан илмий – амалий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти. Ишда асосланган назарий хулосалар ва таклифлар савдо корхоналари фаолиятида мавжуд муаммоларни ечиш борасида ишлаб чиқилган таклифлар, илмий тавсиялар, услубий ёндашувлар, Самарқанд вилоятида уларнинг фаолиятини ташкил этиш, самарали фаолият юритиш амалиётида услубий асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти савдо корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишга оид меъёрий ҳужжатларни, савдонинг ташкилий тузилмаларини такомиллаштириш бўйича, ҳамда соҳага оид статистик маълумотларни ҳужжатлаштиришни такомиллаштириш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Магистрлик диссертациясидаги назарий қарашлар “Ички савдо иқтисодиёти”, “Ташқи савдо иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти” каби фанлардан ўқув дастурлари ва адабиётларини тайёрлашда муҳим манба сифатида фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус касб таълим тизимида, сервис ва хизматлар соҳасида иқтисодчилар, менежерлар, маркетинг соҳаси ходимларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаси бўйича ишлаб чиқилган Самарқанд вилоят ҳокимияти томонидан савдо корхоналарини ривожлантириш йўллари юзасидан амалий таклиф ва тавсияларни Самарқанд вилоят ҳокимияти томонидан савдо корхоналарини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишда фойдаланиш учун қабул қилинган (2015 йил 10 июндаги далолатнома) шунингдек, тадқиқот натижаларидан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқув жараёнида (2015 йил 25 март 8-сонли далолатнома) ҳам қўлланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтганлиги. Тадқиқот натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида ўтказилган “Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг ривожланиш муаммолари” мавзусидаги иқтидорли талабалар ва магистрларнинг илмий – амалий анжуманида (2014 йил 28-30 апрель), “Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” мавзусидаги республика анъанавий илмий – амалий конференциясида (2015 йил 20-21 февраль) маъруза қилинган ва таклифлар иқтисодчи олимлар томонидан ижобий баҳоланиб, анжуманларнинг илмий – назарий ва амалий тавсияларида ўз ифодасини топган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг илмий – амалий таклифлари ва мазмуни юзасидан 2 та конференция материалларида тезислар Республика илмий ишлар тўпламида мақолалар чоп этилган. Чоп этилган умумий ишларнинг умумий ҳажми 0,5 босма табоқдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик диссертацияси кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Унинг ҳажми 107 бетни ташкил этиб, 5 та жадвал, 12 та чизма, 8 та диаграммани ва 3 та иловани ўз ичига олади.

I БОБ. Савдо корхоналарини иқтисодий барқарорлигини илмий-назарий асослари.

1.1. Савдо корхоналарини иқтисодий барқарорлигини мазмуни, моҳияти ва иқтисодий аҳамияти

Президентимиз И. Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида «...қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатбардошлигини ошириш» инқирозга қарши кураш дастурининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий оқибатлари ва таъсирини бартараф этиш ҳамда молиявий ресурслар чекланган шароитда улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш корхоналар барқарорлигини тиклаш ва уни таъминлашнинг истиқболи усуларида бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, «барқарорлик» ва «молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш» ўртасидаги боғлиқлик ва ўзаро муносабат иқтисодий тушунча сифатида қизиқиш уйғотади.

Бугунги кунда корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг асосий омили уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш ва молиявий ресурсларини интенсив тарзда кўпайтириш эмас, балки мавжуд пул маблағларидан самарали фойдаланиш, корхона ресурсларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари ўртасида мутаносибликка эришишдан иборат.

Беқарорликнинг келиб чиқиш сабаблари, улурнинг натижалари шуни кўрсатмоқдаки, мазкур ҳолатлар ечилаётган масаланинг қай даражада кенглигига эмас, балки ресурслардан қай даражада самарали фойдаланилаётганлигига боғлиқ.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан ресурслар тақчиллиги шароитида барқарорликни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни сифат жиҳатларини яхшилаш талабларига мос келмайдиган қуйидаги, яъни:

- товар ресурслари тақчиллиги натижасида вужудга келган меҳнат ресурслари тақчиллигини енгиш;

- иш ҳақини ошириш билан боғлиқ харажатларнинг аксарият қисмини ишлаб чиқаришда банд бўлганларнинг сонини оширишга йўналтириш ва ҳ.к. йўллар билан таъминлаш ҳолатлари кузатилган.

Ушбу талабларга кўра, ускуналар танқислигини – ишлаб чиқариш (хизмат, иш) жараёнида банд бўлган асосий воситаларни янгилаш жараёнини сунъий тарзда кечиктириш, қурилиш бошланган баъзи бир иморатларни консервация қилиш йўли билан, у ёки бу буюмлар етишмовчилигини эса уларнинг сифатини пасайтириб, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига бартараф этишга ҳаракат қилинади.

Мазкур тадбирлар беқарорликнинг юзаки фақатгина ташқи кўринишини бартараф этишга мўлжалланган бўлиб, улар барқарорликни алоҳида субъектлардагина ва фақат маълум бир муддатгагина тиклаши мумкин, бироқ корхонанинг бошқа субъектларида беқарорликни келтириб чиқариши, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини тўхтатиб, муаммонинг узоқ муддатга аниқ ҳал этиш имконини чеклаши мумкин. Шундай қилиб, мустаҳкам барқарорликка бир томондан, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш)нинг муҳим омили ҳисоланган молиявий меҳнат товар ресурслардан тўлиқ ва самарали фойдаланиш орқали эришилиши мумкин бўлса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш (хизмат, иш) самарадорлиги мазкур омилларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан тўғри нисбати йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Сўнгги йилларда барқарорлик илмий мақолаларда максимал самарадорлик таъминланаётган мутаносибликларга эришиш деб таърифланмоқда¹⁸. Бироқ, бу беқарорлик ҳолатларининг барчаси ҳам ишлаб чиқаришда ресурслардан самарасиз фойдаланилиши натижаси дегани эмас. Масалан, айрим маҳсулотни ишлаб чиқариш тўлиқ йўлга қўйилган бўлса-да,

¹⁸Социально-экономический потенциал устойчивого развития. А.Г.Мельник раҳбарлигида ўқув қўлланма (Украина) ва проф. Л.Хенса (Белгия). – Сума. Университет китоби. 2007 й. 78-151 б.

унга талаб шаклланмаган бўлиши мумкин. Шундай қилиб, ресурслар танқислиги мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги, ўз-ўзидан ишлаб чиқаришда ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги билан бевосита боғлиқ эмас. Ресурсларнинг танқислигини бартараф этиш учун моддий имкониятлар мавжуд бўлса-да, бироқ таркибий боғлиқсизликлар, заиф жойлар, ишлаб чиқариш қувватларининг етарлича ривожланмаганлиги, маҳсулотлар ва буюмлар етишмаслиги натижасида келиб чиқиши мумкин. бунда савдо корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда унинг барча фаолият турларини ўзаро мувофиқликда сақлаб туриши муҳимлиги талаб этилади. Бундай заиф жойлар савдо корхонанинг жами пул маблағлари етишмаслиги оқибатида унинг барча элементларидан тўлақонли фойдаланилмаслигини келтириб чиқаради.

Кенг маънода савдо корхоналарининг барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири корхоналарда меъёрий тизимнинг қай даражада йўлга қўйилганлигидир. Бозор муносабатлари шароитида савдо корхоналарида меъёрий тизимнинг йўлга қўйилганлиги иқтисодий барқарорлик тамойилларига риоя этилишининг негизи ҳисобланади. Унинг ёрдамида ишлаб чиқариш ва харажатлар ўртасидаги алоқа намоён бўлади. Масалан, 10 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилиб, ушбу мақсадга 5 млн. сўм ажратилган бўлса, мазкур жараённинг барқарорлигини бир турдаги маҳсулот яратишнинг меъёрий қиймати асосида аниқлаш мумкин. Агар меъёрий қиймат корхона учун етарли миқдорда фойдани шакллантиришга имкон яратса, бундай меъёр тўлиқ барқарорлашган бўлади. Шу билан бирга, бир вақтнинг ўзида амалиётга илм ва техниканинг янги ютуқларига асосланган прогрессив меъёрларни жорий этиш натижасида корхона фойдасининг барқарор ўсиши ҳамда кейинчалик молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш таъминланади.

Иқтисодиётда барқарорликни таъминлашнинг яна бир муҳим омилларидан бири инвестициявий сиёсатнинг тўғри юритилишига, корхоналарда инвестиция борасида ҳам барқарорликка эришишдир.

Иқтисодиётни ривожлантириш кўп жиҳатдан айнан мазкур омилларга ҳам боғлиқ. Инвестициявий капитал такрор ишлаб чиқариш ресурси сифатида ўзига хос қатор жиҳатларга эга.

Молиявий ва меҳнат ресурслари ўз хусусиятларига кўра унга яқиндир. Бироқ уларнинг мослашувчанлиги кўпгина ижтимоий чекловларга асосан сезиларли даражада камаяди. Шу билан бирга, такрор ишлаб чиқариш жараёнида инвестиция дастурларини амалга ошириш йўли билан ташкил этиладиган ишлаб чиқариш фондларининг роли ишчи кучининг аҳамиятига нисбатан кучаяди. Мос равишда такрор ишлаб чиқариш ресурслари сифатида инвестициянинг аҳамияти ортади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлашда ташқи иқтисодий алоқаларнинг ташқи савдо ва асосан тўлов балансида тақчилликнинг бартараф этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида барқарорликни ишлаб чиқарилган ва ишлатилган ялпи ички маҳсулот ҳажмини солиштириш орқали баҳолаш мумкин.

Умуман олганда ташқи иқтисодий барқарорлик ҳолати ички иқтисодий омиллар баланси ҳолатини акс эттиради. Ташқи иқтисодий алоқалар нафақат молиявий ресурслар ва иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган сарфлар ўртасидаги барқарорликни сақлаб туриш жараёнига хизмат қилади, балки ўзининг зарурий баланс мутаносибликларига эга, яъни импорт учун амалга оширилган харажатлар экспортдан тушадиган тушумлар кредиторлик қарзини қоплаш учун етарли бўлиши лозим. Ташқи фаолият учун маблағнинг унга мос равишда ёки маълум бир муддатдан сўнг қайтадиган ҳолатда ажратилиши фақатгина «ички» иқтисодий барқарорлик таъминланганда амалга оширилиши мумкин.

Барқарорликнинг бугунги кун муаммолари нуқтаи назаридан қаралганда, ташқи иқтисодий алоқалар ва инвестиция соҳаларига моддий авваламбор, ёқилғи-энергетика соҳалари узвий бирикади. Бугунги кунда ишлаб чиқариш хўжаликлари томонидан ресурс истеъмол қилиш ҳажми ошиши табиий имкониятлар чекланганлиги билин уйғунликда иқтисодиётда

инвестициялар ҳажмининг ошишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, янги ресурслардан тежовчи техникаларни иқтисодиётга киритиш, реструктуризация, хусусийлаштириш, акциядорлаштириш ва ишлаб чиқариш таркибини оптималлаштириш ҳисобига харажатларни камайитиш муҳим аҳамият касб этади.

Иқтисодий барқарорликни таъминлашнинг яна бир муҳим омилларидан бири ресурслар ва харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни тўғри йўлга қўйиш ҳисобланади. Шунинг учун илоҳиятига олиш керакки, барқарорликни таъминлаш керагидан ортиқ ресурслар сарфлашни талаб этади.

Маълумки, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даражаси билан ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси боғлиқлик мавжуд. Бироқ ўсиш стратегиясини танлашда қайта боғлиқликни ҳам инобатга олиш зарур. Маъмурий-бошқарув харажатлари каби, молиявий сарфларнинг сезиларли қисми доимий характерга эга ва ишлаб чиқариш ўсишига мос равишда ўсиб боравермайди. Ишлаб чиқариш хизматнинг тезкор ўсиши бир бирлик маҳсулотга тўғри келадиган қатъий харажатларни камайтиради. Масалан, савдо корхонасида жами истеъмол қилинаётган энергиянинг сезиларли қисмини ташкил этадиган иситиш ва биноларни ёритиш харажатлари, товар маҳсулоти ҳажми кўпайиши ёки камайишидан қатъий назар ўзгармасдир.

Юқоридагиларга таянган ҳолда шуни айтиш жоизки, бугунги иқтисодий инқирозни бартараф этиш шароитида савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун эътиборни дастлаб бизнес-режада кўзда тутилган харажатлар ҳажмини чеклашга эмас, балки уларнинг самарадорлигини оширишга қаратиш, сўнгра жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи замонавий, юқори технологияга эга ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришга қаратиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолдан айтиш жоизки, маҳсулот бирор-бир эҳтиёжни қондирмаса, яъни уни истеъмол қиймати зарурият

топмаса, унинг қиймати қопланмайди ва уни ишлаб чиқарувчиси инқирозга учраши эҳтимолдан ҳоли эмас. Ушбу ҳолат савдо соҳасини самарали фаолият юритиш имкониятларини аниқлаш ва унинг фаолиятини такомиллаштириш заруриятини асослашни тақозо қилади. Бунинг учун савдонинг моҳиятини, аҳамиятини илмий-назарий жиҳатдан объектив ёритиш лозим бўлади. Ушбу масалани илмий-назарий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қиламиз.

Бунинг учун савдонинг хусусиятларини, таърифини ва функцияларини аниқлаб оламиз.

Савдонинг хусусиятлари:

- савдо – бу товар айрибошлаш, олди-сотдининг шакли;
- савдо – бу товарларни ишлаб чиқарувчилардан шахсий истеъмолчиларга етказиш;
- савдо – бу товарларни қишлоқдан-қишлоққа, шаҳардан-шаҳарга, ҳудуддан-ҳудудга, давлатдан-давлатга етказиб бериш жараёнидир;
- савдо – сотувчи билан сотиб олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатдир;
- савдо – иқтисодиётнинг (халқ хўжалигининг) хўжалик юритувчи субъекти, тармоғи;
- савдо – бозор элементлари (таклиф, талаб ва баҳо) намоён бўладиган жараён;

Савдо – хизматнинг алоҳида тури бўлиб, у бир томондан, ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади, иккинчи томондан, истеъмолчиларга, учинчи томондан, давлатга ва тўртинчидан, у бошқа иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларига ҳам хизмат кўрсатади, уларнинг хизматларидан истеъмолчи сифатида фойдаланади ва улар билан алоқада бўлади.

Савдо-биринчидан, товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган хўжалик алоқлари ва товар айрибошлаш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни англатади; иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида ижтимоий меҳнат тақсимооти натижасида мустақиллашган савдо корхоналари мажмуасидир.

Савдонинг моҳияти (таърифи) дан келиб чиқиб, унинг бажарадиган функцияларини аниқлаш зарур.

Савдо — ўз моҳиятидан келиб чиқиб, қуйидаги ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажаради:

- биринчидан, товар айрибошлаш шакли сифатида товарлар қийматини айрибошлаш;
- иккинчидан, иқтисодиёт тармоғи сифатида товарларни ишлаб чиқишдан истеъмолчиларга етказиш;
- учинчидан, товарлар олди-сотди жараёни билан боғлиқ бўлган аҳолига хизматлар кўрсатиш.

Биринчи функция натижасида товарларни қиймати сотилади, унга сарф қилинган ижтимоий меҳнат қопланади ва қўшимча қиймат вужудга келади.

Иккинчи функция натижасида товарларнинг истеъмол қиймати истеъмолчиларга етказилади, истеъмолчилар томонидан тан олинади, сотилади ва мулк шакли ўзгаради. Амалий нуқтаи назардан истеъмол товарларининг тақсимооти тугайди.

Учинчи хизмат функцияси натижасида товарларнинг ишлаб чиқариш ассортименти истеъмол ассортиментига айлантирилади, истеъмолчиларга товар сотиб олиши учун қулайликлар яратилади.

Савдо ижтимоий-иқтисодий функцияларни бажариш билан бир қаторда ташкилий-иқтисодий, техник-технологик функцияларни ҳам бажаради.

Ташкилий-иқтисодий функциялар:

1. Таклиф имкониятларини ўрганиш.
2. Талаб ва эҳтиёжни ўрганиш.
3. Баҳони шакллантириш.
4. Товарлар рекламасини ташкил қилиш.
5. Шартномалар тузиш ва буюртмалар бериш.
6. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш (савдо соҳасида сервис хизматларини кўрсатиш; аҳолининг турмуш қиёфасини шакллантириш; харидорлар диди ва талаби таркибини шакллантириш).

Техник-технологик функциялар:

1. Товарларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчиларга етказишни ташкил қилиш (транспорт корхоналари билан алоқа ўрнатиш, товарларни сон ва сифати бўйича қабул қилиш ва х.к.).
2. Товарларни сақлаш.
3. Товарларни қадоқлаш.
4. Товарларни транспорт воситаларига юклаш, тушириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида савдонинг ижтимоий шакллари ва ташкилий-иқтисодий таснифи тубдан ўзгарди. Собиқ иттифок даврида республикада давлат савдоси, кооператив савдо ва колхоз бозори мавжуд бўлган бўлса, ҳозирги кунда мулк муносабатларининг ўзгариши, савдо соҳасида диверсификация жараёни амалга ошганлиги муносабати билан давлат савдоси бутунлай хусусийлаштирилиб, унинг умумий товар айланишдаги ҳиссаси 1 % гача миқдорга қисқартирилди.

Худди шундай кооператив савдо ҳам хусусийлаштирилди, унинг ҳиссаси 2 % атрофида. Колхоз бозори бутунлай барҳам топди, унинг ўрнига деҳқон бозорлари шаклланди.

Жамиятда савдонинг янги тури, нарсалар бозори вужудга келди. Савдонинг бутунлай янги шакли, яъни хусусий савдо вужудга келди. Шундай қилиб, савдонинг мулкӣ шакллари бутунлай янгиланди, нодавлат сектор шаклланди. Савдода вертикал бошқарув тизими бутунлай барҳам топди. Баҳолар эркинлаштирилди. Хўжалик алоқалари бозор иқтисодиётига мослаштирилди.

Ташкилий тузилмалар бутунлай янги таркибда тузилди. Вазирлик ва бошқармалар йўқ қилинди. Акционерлик жамиятлари, компаниялар, хусусий фирмалар, яқка тартибдаги савдо шахобчалари вужудга келди.

Матлубот кооперацияси тизимида матлубот таъминот — савдо акционер компаниялари ташкил қилинди. Туманларда эса, туман матлубот савдо ишлаб чиқариш савдо кооперативлари ташкиллаштирилди.

Савдонинг иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти, савдонинг

хусусиятлари, бажарадиган функцияларидан келиб чиқади.

Савдо аҳоли ҳаётини таъминлайдиган алоҳида хизмат соҳаси бўлиб ҳисобланади. Унинг иштирокида ишлаб чиқарилган товарлар истеъмолчилар томонидан ижтимоий тан олинади, товар таклифи билан истеъмолчилар талаби келиштирилади.

Товар таклифи билан истеъмолчилар талабини келиштириш орқали савдо ишлаб чиқаришга фаол таъсир қилади, у ишлаб чиқариш ҳажмини ва таркибини (ассортиментини) белгилашга таъсир қилади.

Савдонинг ишлаб чиқариш билан алоқаси - уларнинг хўжалик алоқалари тижорий ишлар орқали амалга ошади. Жамиятда савдо корхонасисиз ишлаб чиқарилган истеъмол товарлар истеъмолчиларга етиб бормайди.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнини қайтарилиб туришига савдо реал иқтисодий имкониятлар яратади. Ҳар қандай ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари ўзи ишлаб чиқарган товарининг сотилишини таъминлаши шарт, акс ҳолда, унинг фаолияти тўхтаб қолиши мумкин. Савдо корхоналари ишлаб чиқарувчиларга ўз харажатларини қоплаш ва тегишли даромад олиш имкониятини яратади.

Савдо ушбу вазифаларни бажариш орқали ишлаб чиқарувчиларга хизмат қилади. Ишлаб чиқарувчилар тўғридан-тўғри истеъмолчиларни (бу ерда аҳоли назарда тутилмоқда) ўз товарлари билан таъминлаш имкониятига эга эмас ва уни бажара олмайди. Шу билан бирга, савдо ишлаб чиқарувчиларнинг вақтини тежайди ва такрор ишлаб чиқаришни тезлаштиради. Худди шундай савдо иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан ҳам алоқада бўлади.

Савдо тақсимотини реал ҳолда амалга ошишини таъминлайди. Савдо — пул, кредит, молия тизимининг мувофиқлаштирилиши жараёнини намоён бўлишига таъсир қилади (пул эмиссияси, касса режаларини бошқариши, инфляция, миллий даромадни шаклланиши) ва х.к. Савдонинг асосий вазифаларидан бири истеъмолчиларга хизмат қилиш бўлиб ҳисобланади.

Истеъмол такрор ишлаб чиқариш жараёнининг тўртинчи ва охириги фазаси. У маҳсулотлар ҳаракатининг охириги босқичи. Истеъмолда (ишлаб чиқариш ва шахсий) товарларни истеъмол қиймати намоён бўлади, тан олинади. Савдонинг шахсий истеъмол билан алоқаси аҳолининг истеъмол товарларига эҳтиёжини қондиришни амалга оширади.

Савдода алоҳида шахс ёки истеъмолчилар гуруҳи учун мос келадиган товарлар истеъмол ассортименти шаклланади. Узлуксиз савдо амалга оширилади, яъни талабни узлуксиз қондириб бориш жараёни таъминланади. Шахсий истеъмол орқали инсоният ишчи кучини такрор (қайта) ишлаб чиқаради. Бу эса, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга манфаат туғдиради, чунки ҳар қандай тармоқ ишчи кучи билан узлуксиз таъминланиши зарур.

Савдода эҳтиёжни шакллантириш орқали истеъмол таркибига аҳолининг узоқ умр кўриши ва яшаш даражасини оширишга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатади. Масалан, товарларни реклама қилиш орқали (товарларнинг истеъмол функцияси, сифати, баҳоси ва ҳ.к.) аҳоли эҳтиёжини шакллантириш, реклама, ҳар хил турдаги савдо шахобчаларини ташкил қилиш (элита ёки арзон баҳодаги савдо шахобчалари ташкил қилиш каби) орқали аҳолининг ижтимоий-иқтисодий гуруҳлари орасида истеъмол даражаси ва таркибини тартибга солишдек мураккаб вазифани амалга оширади.

Савдо ҳар хил фойдали маслаҳатлар бериш орқали оқилона истеъмолни шакллантиради. Бу эса аҳолининг ҳаётини ва истеъмол даражасини ортишига олиб келади. Савдо шахобчаларида прогрессив савдо технологияларини жорий этиш, харидорларга зарурий шарт-шароитлар яратиш билан аҳолининг товар сотиб олиш харажатларини (товар сотиб олишга ва истеъмол учун сарфланган меҳнат ва моддий харажатлар), товар сотиб олишга сарфланган вақтини тежашга ижобий таъсир қилади.

Аҳолининг бўш вақти эса жамиятнинг бойлиги, унинг тараккиёти учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Савдода аҳолининг вақтини тежашга имконият яратиш орқали уларнинг бўш вақтларини кўпайтиради.

Юқорида келтирилаётган савдонинг хусусиятлари, унинг бажарадиган функциялари ҳамда вазифалари савдонинг самарадорлигини оширишнинг объектив зарурият эканлигини таъкидлаб қилади. Ушбу заруриятни янада долзарблиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида янада юксалади.

Президент И.А.Каримов 2009 йилнинг асосий йўналишлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир» - деб белгиланган вазифалари савдо соҳасини янгилаш, модернизация қилиш, ривожланишининг юқори ва барқарор суръатларини таъминлаш учун унинг самарадорлигини оширишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш заруриятини туғдиради.

1.2. Савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар

Савдо корхоналарининг барқарорлигини кучайтиришга таъсир этувчи бирламчи омил – инсон омилidir. Инсоннинг ижтимоий маъқеи, унинг ишлаб чиқаришдаги, турмушдаги ўрни, жамиятнинг бошқа аъзолари билан ўзаро муносабатлари унинг ҳаёт даражаси билан боғлиқдир. У эса иккита ҳолат билан: даромадлар ва эҳтиёжлар таркибий тузилиши ҳамда меҳнат характерининг ўзгариши билан боғлиқдир.

Ҳаёт даражасининг ўсиши иқтисодий тараққиёт жадаллашуви, миллий даромаднинг кўпайиши ва жамоа меҳнат унумдорлигининг ўсишига ёрдам берувчи жиддий ижтимоий-иқтисодий омил сифатида намоён бўлади.

Бундан турмуш даражасини, иқтисодий ривожлантирувчи кучларни ҳаракатга келтириш мақсадида жамоа ишлаб чиқариши қатнашчилари ўртасида ҳаёт бойликларини тақсимлаш тартиби ва мувофиқлигини режалаштирувчи ижтимоий ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуини яратиш лозим бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, турмуш даражаси фақат моддий таъминланганлик билангина баҳоланмайди, балки инсон ҳаётининг барча томонини белгилаб берадиган кўпчилик тавсифларни ҳам ўзида акс эттиради. Ушбу тушунча ўзида кишиларнинг тафаккури ва маданиятини, аҳолига юқори сифатли савдо хизмат кўрсатишни кўшиб ҳисоблаганда, турмуш маданияти, хулқ-атвори, соғлиғи, оқилона тарзда овқатланиши доимий тарзда ўсиб боришини ҳам қамраб олади.

Аҳолини товарларга бўлган талаби унинг турмуш тарзи, ҳаёт кечириш фаолияти сифатида кишилар ўртасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, маҳсулотларни алмашиш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келади. Ушбу муносабатлар иқтисодий қонунлар асосида бошқарилади.

Демократик турмуш тарзининг ўзига хослиги меҳнатга лаёқатли барча кишиларнинг жамоа ишлаб чиқаришидаги иштироки, жамият барча аъзолари фаровонлигининг аста-секин яхшиланиб боришида ифодаланади. Буни қуйида келтирилаётган 1 - чизмада кўриш мумкин.

ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР



Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни яхшиланиб боришининг энг асосий омили бу даромаддир. 2014-йил маълумоти бўйича номинал даромад республика бўйича ўтган шу даврга нисбатан 66,2 фоизга кўпайгани олинган даромаднинг 35,3 фоизи саноат корхоналарига тўғри келгани даромадларни 63 фоизи товарлар сотиб олишга сарфланганлигида намоён бўлди.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни оширишни такомиллаштиришга таъсир этувчи асосий омил мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш-хусусийлаштиришдан иборатдир.

Ялпи ички маҳсулот ва фойданинг ўсиши истеъмол бозорлари ривожланишини таъминлайди. 2014 йилда истеъмол бозоридаги товар

обороти 250,1 млрд. сўмни ташкил этди, бу ўтган йилдагига нисбатан 4,8 фоиз ортиқдир. Чакана товар оборотининг 97 фоизи нодавлат тармоғига тўғри келади. Даромадларнинг ўсиши аҳолининг ижтимоий шароитлари яхшиланишини таъминланишига имкон бермоқда. Аҳоли даромади таҳлил қилинаётган давр ичида 52,3 фоиз ортиб, натижада уларнинг пул харажатлари ва пул жамғармалари ҳам 52,3 фоизга ошди. 2014 йилда олинган жами даромаднинг 665,3 млрд. сўми иш ҳақини, 653,6 қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш хисобига, 378,7 млрд. сўми ижтимоий химоялашга ажратилган маблағлар, 739,1 млрд. сўми эса хусусий мулк, тадбиркорлик асосида олинган. Бу аҳолининг истеъмол харажатлари ўсишига олиб келади. Аҳолининг истеъмол харажатлари 2014 йилда ўтган йилдагига нисбатан 51 фоиз кўпайган. Бу харажатларнинг ўсиши, асосан аҳолининг пуллик хизматларга харажатлари ўсиши билан боғлиқдир. Бу харажат 56 фоизни ташкил этган бўлса, товарлар харид қилиш харажатлари 50,0 фоизни ташкил этган. Натижада истеъмол харажатлари умумий пул даромадининг 86,6 фоизидан иборат бўлган¹⁹.

2015 йил уч ойида ишлаб чиқаришда банд бўлганлар сони 9113,7 минг кишини ташкил этган ёки шу вақт ичида иш билан бандлик даражаси 1,6 фоизга ўсган. Иш билан бандлик даражасининг ўсиши, асосан, ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш (5,3 фоиз) ошган. Моддий ишлаб чиқариш тармоқларида 2013-2014 йиллар ичида бандликнинг бор йўғи 0,1 фоизга ўсиши таъминланган. Аммо иш билан банд бўлганларнинг 71,1 фоизи моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссасига тўғри келади. Иш билан бандликнинг жадал ўсиши қурилиш тармоқларига (13,9 фоиз), транспорт ва алоқага (6,6 фоиз), савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти ва тайёрлов тармоқларига (3,2 фоиз) тўғри келади. 2014 йилда номоддий тармоқларда бандлик даражаси 1 фоизга ўсди ва 75,9 фоизини ташкил этди. Агар 2013 йилда 421,4 минг киши ишга жойлаштириш муаммоси билан меҳнат биржаларига мурожаат этган бўлса, 2014 йилда шундай муаммолар

¹⁹Маълумотлар макроиктисодиёт ва статистика вазирлигидан (2013-2014 йил учун) олинди.

билан мурожаат қилганлар сони 361,1 минг кишини ташкил этган. Иш билан бандликни таъминлаш учун мурожаат қилганларнинг республика умумий кўрсаткичидаги асосий қисмини Қорақалпоғистон Республикаси (15,4 фоиз), Хоразм (11,7 фоиз), Наманган (12,3 фоиз), Фарғона (18,3 фоиз), Самарқанд (11,3 фоиз) вилоятлари ташкил этган.

Меҳнат ресурсларининг жадал ўсиши иш ўринларини оширишга йўналтирилган иқтисодий ўсишга эришишни тақозо қилади. Шунинг учун иқтисодиётнинг бозор ислоҳати, бу йўналишдаги тузилмавий ўзгаришлар бандлик соҳасини дунё миқёсида кенгайтириш ва меҳнат бозорини фаоллаштиришни кўзда тутди.

Давлатнинг бу соҳадаги сиёсати инсоннинг меҳнат ва иш фаоллигини оширишга, ишчи кучига талаб ва тақлифларни сифатли мувозанатлашуви учун шароитлар яратишга, ишсизликни оммавий ва турғунлик шакллариغا барҳам беришга, меҳнат соҳасида аҳолини ижтимоий ҳимоялашга йўналтирилмоқда.

2013 йилда 443,9 мингта янги иш жойлари яратилди. Шундан 323,3 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил этилган. 2014 йил 9 ойи ичида эса 330,8 мингта иш жойи ташкил этилган. Жами ташкил этилган иш жойининг 12,5 фоизи Қашқадарё, 10,8 фоизи Фарғона, 9,5 фоизи Бухоро вилоятлари ҳиссасига ва 8,9 фоизи Тошкент шаҳри улушига тўғри келади. Натижада, 2013 йилда корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан иш кучига бўлган талаб 26,9 мингтани ташкил этди ва 2012 йилга нисбатан бу кўрсаткич 18,2 фоизга камайди.

Инсон бозор ўзгаришларининг энг фаол, жўшқин, яратувчи омили эканлигидан келиб чиққан ҳолда, унинг салоҳияти сифатида ўсишини таъминлашга доир қатор тадбирларни амалга ошириш керак.

Бу тадбирлар қуйидагилардан ташкил топиши керак:

- фан ва техника тараққиётини, меҳнат унумдорлиги ўсишини таъминлаш учун аҳоли олий маълумотлилиқ даражаси ўсишини таъминлаш;

- ишлаб чиқариш учун бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда, кўп йўналишли малакали ишчиларни тайёрлаш;
- ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан хизмат кўрсатилишини яхшилаш;
- жамият аъзолари истеъмол талабларининг истеъмол саватчалари асосида қондирилишини таъминлаш зарур.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни оширишни такомиллаштиришга таъсир этувчи асосий омил мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш-чусусийлаштиришдан иборатдир. Фақат мулкни ишлаб чиқарувчиларга қайтариш билангина рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришдан манфаатдор ва маъсулиятли ишлаб чиқарувчилар пайдо бўлишига эришиш мумкин.

Республикада 2014 йил ичида 2085 та давлат корхонаси давлат тасарруфидан чиқарилиб, давлат бюджетига 48,1 млрд. сўм маблағ тушиши таъминланди. Давлат тасарруфидан чиқарилган жами корхоналарнинг 11,0 фоизи Фарғона, 10,6 фоизи Андижон, 9,8 фоизи Хоразм вилоятларига ва 10,6 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган.

Хусусийлаштиришнинг асосий вазифаси – иқтисодиётнинг хусусий соҳасида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматларнинг катта қисми жамланганда институционал ўзгаришларнинг энг юқори ҳажмини таъминлашдир.

Бозор иқтисодиёти талаблари асосида ишлаб чиқариш тармоқларини такомиллаштириш республикада ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлади. Ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2014 йил ичида 4,5 фоизга ўсди ва жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 3,1 фоизга ўсиши таъминланади.

Ишлаб чиқариш жараёнини ва корхоналар фойдаларининг ўсиши ишлаб чиқаришни ҳозирги давр талабларига жавоб бера оладиган ишлаб чиқариш технологиялари билан жиҳозлаш даражасига ҳам боғлиқдир. Бунинг учун эса маблағ зарур. 2014 йилда жами инвестиция маблағлари 836,0 млрд. сўмни ташкил этди. Халқ хўжалигини инвестициялаштиришга

ажратилган маблағнинг 24,2 млрд. сўми давлат бюджети, 26,2 сўми корхона даромадлари, 28,4 млрд. сўми чет эл инвестициялари, 11,9 млрд. сўми аҳоли жамғармалари ва 0,1 млрд. сўми бюджетдан ташқари фондлар ҳисобига шакллланган. Инвестициялаштириш учун ажратилган маблағнинг 503,3 млрд. сўми давлат корхоналарига, 332,7 млрд. сўми нодавлат корхоналарига ва 116,1 млрд. сўми хусусий фуқаролар мулкани ривожлантиришга йўналтирилган. Лекин шунини айтиш лозимки, давлат бюджети орқали халқ хўжалигини инвестициялаштириш 2013 йилга нисбатан 2014 йилда 5,0 фоизга камайган бўлса, корхоналар даромадлари бўйича 3,2 фоизга ўсган.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни оширишни такомиллаштиришга таъсир этувчи асосий омиллардан бири – давлатнинг ташаббускорлик ва тадбиркорлик ролidir. Маъмурий буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш муваффақиятли амалга оширилиши учун тадбиркорлик бўйича жаҳон тажрибасига, илғор мамлакатлардаги иқтисодий ислохатлар натижаларига суяниш ва ислохот механизмини классик тамойиллар асосида шакллантириш керак.

Давланинг ижтимоий – иқтисодий барқарорлигини ошириш, ташаббускорлик- тадбиркорликни ривожлантиришдаги роли қуйидаги тамойиллардан иборат бўлиши лозим:

- давлат бюджети тақчиллигини минималлаштириш, пул эмиссияси мўл-кўллиги ва имтиёзли кредитлашнинг тўхталишини билдирувчи макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- нархни эркинлаштириш. Нархларни талаб ва таклиф асосида шакллантириш;
- хусусий мулкчилик, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида қонун билан кафолатланган, мулкдорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қиловчи ва хўжалик шартномалари бажарилишининг ишончлилигини таъминловчи мулкчиликни шакллантириш;

- давлат мулкани катта қисмини давлат тасарруфидан чиқариш, сотиш асосида янги корхоналар яратиш ва мулкдорларнинг ҳуқуқларини ошкорлаштириш;

- хорижий инвестицияларни ҳимоя қилиши зарур бўлган эркин савдо муносабатларини, фойдани тасарруф этиш ва сўмни эркин валютага айирбошлаш имкониятининг берилишини эътиборга олган ҳолда, очик турдаги иқтисодиёт вужудга келишини таъминлаш;

- давлат солиқ тизимини, ишлаб чиқариш жарайнини, меҳнат ресурслари меҳнат унумдорлигини ўсишини ижтимоий меҳнат фаолиятида қатнашишга ижобий таъсир кўрсатадиган даражада такомиллаштириш;

- давлатнинг иқтисодиётга тўғридан тўғри аралашувини чеклаш. Иқтисодий ислохатнинг муваффақиятли олиб борилиши ва яқунланиши учун давлатнинг анъанавий ролини тўлиқ қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бозор иқтисодиётида давлатнинг бош вазифаси мулкчилик ҳуқуқини ҳамда тузилган хўжалик шартномаларини ҳимоя қилиш ва амалга ошириш имкониятларини таъминлаш, якка ҳукмронликка қарши сиёсат ўтказиш, оқилона солиқ ва пул сиёсатини юритиш орқали бозорлардаги рақобатга ёрдам бериш, ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш, инфратузилманинг асосий тармоқлари – транспорт, алоқа воситалари ва бошқаларнинг ривожланишига ёрдам беришдан иборат бўлиши керак.

Ижтимоий ҳимоя тизими жамиятнинг энг заиф қисми: қариялар, ногиронлар, кўп болали оилалар, етимлар ва беморларни ҳимоя қилишни кўзда тутди. Бунга пенсиялар, нафақаларни индексациялаш, ҳар хил турдаги талонлар, тушликлар, бошқа ёрдам турларини кўрсатиш йўли билан эришилади. Жамиятнинг ушбу қатламлари учун хайрия ташкилотлари ва фондлар, давлат ва тижорат корхоналари, айрим фуқароларнинг омонотлари муҳим рол ўйнайди.

Давлат секторидан ишдан бўшатишган ходимларнинг қабул қила оладиган кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

- кейинчалик эса тадбиркорлик таркибий тузилмалари малака ошириш, касбни ўзгартириш ёки ходимини ишлаб чиқариш сабаби ёхуд иқтисодий тартибда ишдан бўшаши билан боғлиқ моддий харажатларни кўтариш;

- ҳар бир фуқарога ўзининг умуминсоний ахлоқ, хатти-ҳаракат ва бошқа меъёрларига зид бўлмаган ҳаёт фаолиятини кенг танлаш ҳуқуқини таъминлайдиган қонунлар тизимини яратиш зарур.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни оширишга таъсир этувчи омиллардан яна бири

- демографик омиллардир.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ресурслари Марказий Осиё меҳнат ресурсларининг 40 фоизини ташкил этади. Республикада меҳнат қилаётган тўрт кишидан биттаси олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. 2014 йилда республикада 20,9 минг ўринли мактаблар қурилди. 2014 йил ичида академик лицейлар қурилиш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун 5116,7 млн. сўм, касб-ҳунар коллежлари қуриш ва такомиллаштириш учун 72672,1 млн. сўм сарфланди.

Демографик омиллар одамлар билим даражасининг ўзгариши ҳам киради. У юқори бўлгани сари юқори даражадаги сифатли маҳсулотларга, ақлий меҳнат маҳсулотларига бўлган талаб ошиб боради.

Иқтисодий омиллар ҳам демографик омиллар каби муҳимдир.

Аҳолининг тўловга қобилиятли талабига бир қанча омиллар, жумладан, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, иш ҳақи миқдори ва ишсизлик каби омиллар ўз таъсирини кўрсатади.

Табиий омиллар ҳар қандай ташкилот фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Чунки табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш зрурлиги билан боғлиқ масалалар оламшумул муаммоларга айланмоқда.

Сиёсий омилларга, авваламбор, давлат органлари қабул қиладиган меъёрий ҳужжатлар уларга риоя қилишни устидан давлат томонидан ўрнатилган назорат, шунингдек турли жамоат ташкилотлари киради.

Муҳит ва маданий омиллар кўп жиҳатдан жамият аъзоларининг ҳатти-ҳаракатларини белгилайди. Жамиятда қабул қилинган муҳим меъёрлар катта кучга эга. Жамиятда юзага келувчи турли муносабатларни ўрганиш ушбу соҳада тадқиқ қилиниши лозим бўлган масалалар доирасига киради.

Ислоҳатларнинг энг муҳим вазифаларидан бири – мамлакатимиз иқтисодиётидаги бандликнинг таркибий тузилишини ўзгартиришдан иборатдир.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориш қонуни катта аҳамияга эга. Меҳнат унумдорлигини ошириш маълум бир иш вақтида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори ва унинг таннарни пасайишини таъминлайди. Меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида турли мулкчилик шаклига асосланган янги ишлаб чиқаришга ва эркин иқтисодий муносабатларга асосланади. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги табиий ва ижтимоий омилларга боғлиқ бўлади.

Табиий омиллар:

- тупроқ табиий унумдорлигининг мавжудлиги ва ҳолати;
- мамлакат сув ҳавзасининг иқтисодий ҳолати, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг сув ресурслари билан таъминланиши;
- фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ва улардан самарали фойдаланиш имконияти.

Ижтимоий омиллар:

- фаннинг ривожланиш даражаси ва уни бевосита ишлаб чиқарувчи кучга айлантириш даражаси;
- ижтимоий меҳнат тақсимотининг ривожланиш даражаси ва мана шу асосда ривожланадиган техника тараққиёти;

- меҳнат кооперациясининг ривожланиш даражаси ва у билан боғлиқ ишлаб чиқаришнинг бир ерга тўпланиши ва марказлашуви;
- фан ва техника тараққиёти асосида ишлаб чиқаришнинг механизациялашуви, автоматлаштириш ва роботлаштиришнинг ривожланиши;
- ходимларнинг маданий-техник савияси, умумий таълим даражаси;
- жамиятда меҳнат интизомининг ҳолати, меҳнатни рағбатлантириш моддий ва маънавий рағбатлантириш бирга қўшиб олиб борилиши керак. Ижтимоий-иқтисодий барқарорлик омиллари инсон омилига, иқтисодий эркинликка, табиий ва ижтимоий омиллардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни оширишга таъсир этувчи омиллардан бири – ишлаб чиқариш ва манфаатларининг уйғунлиги омилидир.

Тадбиркор хусусий мулк ёки аралаш мулкчиликнинг эгаси сифатида бойлик яратиш ва уни кўпайтиришга интилади. Айти пайтда у шахсий, умумхалқ, жамоа манфаатлари уйғунлигини таъминлайди.

2014 йилда меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси 1,6 фоизга ўсиши таъминланган. Аммо бандлик даражасининг ўсиши асосан ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш ҳисобига эришилган.

Инсон ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омили бўлгани боис кишиларни ижтимоий ҳимоялашга уч йил ичида ажратилган маблағ 32,5 мартага, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта учун ажратилган маблағлар 26,7 мартага, пенсиялар 31 мартага, бошқа турдаги нафақалар учун ажратилган маблағлар 24,7 мартага кўпайган.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни такомиллаштириш битта мақсадга – ҳар бир шахс ва жисмоний шахс, жамоа ва жамият, мулкдор ва давлат манфаатлари уйғунлигига эришишни кўзда тутди.

1.3. Савдо корхоналари фаолиятини самарали ташкил этишни ҳуқуқий асослари

Савдо корхоналари фаолиятида содир бўладиган ўзгаришлар, улардаги ютуқларга, тамойилларга ва йўл-йўриқларига амал қилган ҳолда эришилади. Савдо фаолиятини самарали ташкил этиш аввало уни талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқа хизмат соҳа корхоналари каби савдо корхонасининг моҳиятини очиб беришда уни уч жиҳатдан – ҳуқуқий, ҳўжалик ва тармоқ жиҳатидан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқий нуқтаи назардан савдо корхонасига ҳуқуқий шахс сифатида қараш лозим. Савдо корхонасини расмийлаштиришнинг қонунчилик аҳамияти шундан иборатки, у:

1) белгиланган тарзда савдо корхона иштирокчилари (таъсисчилари) ўртасида ўзаро ички муносабатларни ташкил этиш ва тартибга солиш ҳамда ҳар бир иштирокчининг манфаатларини умумий мақсад йўлида бирлаштиришга имкон беради;

2) капиталларни узоқ муддатга бирлаштиришнинг оптимал шакли ҳисобланади;

3) муайян корхона капиталига киритилган маблағ ҳажмида иштирокчиларнинг мулкӣ хатарини чеклаб қўйишга имкон беради;

4) капитални бошқаришда эгилувчанликка асос яратади.

Савдо корхонасининг асосий вазифаси товарларни сотиш ҳисобланади. Бу вазифани классик назарияга асосан икки жиҳатдан кўриб чиқиш мумкин:

1) истеъмол қийматини сотиш, яъни муайян товарни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача етказиб бериш;

2) товарнинг қийматини сотиш, бунинг натижасида муайян товар жамият томонидан тан олинади.

Ўз фаолияти давомида савдо корхонаси бошқа бир қатор вазифаларни ҳам бажаради. Бу вазифалар кўпинча қўшимча вазифалар деб аталиб, улар қаторига товарга бўлган истеъмолчилик талабини ўрганиш, товар ассортименти шакллантириш, товар ва хизматларни реклама қилиш,

уларни савдо залларида намоиш этиш, харид қилинган товарларни харидорнинг уйига етказиб бериш бўйича қўшимча хизматлар кўрсатиш, сотувда бўлмаган товарлар учун буюртма олиш ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Дўконда харидорларга хизмат кўрсатиш даражасини ифодалайдиган ҳар бир элемент аниқ кўрсаткичларга эга ва зарур бўлганда миқдорий шаклда намоён бўлиш мумкин. Бу миқдорий баҳолаш учун дўконда харидорларга савдо хизмати кўрсатиш даражасини ифодалайдиган ҳар бир элемент аниқ кўрсаткичларга эга ва зарур бўлганда миқдорий шаклда намоён бўлиши мумкин. Бу миқдорий баҳолаш учун дўконда харидорларга савдо хизмати кўрсатиш даражасини ифодаловчи алоҳида элемент каби шарт-шароит туғдиради. Дўкон фаолияти хусусиятига боғлиқ ҳолда бу кўрсаткичлар тизими қисқартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

Савдо корхонасининг стратегиясини шакллантириш анча мураккаб бўлиб, менежерларнинг етарли даражада малакага эга бўлиши талаб этилади. Энг аввало, ушбу стратегияни шакллантириш савдо корхонаси фаолиятининг алоҳида шарт-шароитларини такомиллаштиришга асосланади.

2 - чизма

Савдо корхонасининг таркиби



Бундан ташқари, мавжуд сегмент бўйича бозор конъюктурасини шакллантириш етарли даражада қийинчиликлар туғдиради. Ушбу жараённинг мураккаблиги шундаки, савдо менежменти стратегиясини шакллантиришда стратегик бошқарув қарорларининг муқобил шакллари изланади ва улар баҳоланади. Улар савдо корхонасининг ривожланиш вазифаларига тўла мувофиқ бўлиши лозим. Савдо корхонасини стратегиясининг мураккаб томонларидан яна бири шуки, у доимий ва ўзгармас эмас. У ташқи омиллар таъсирининг ўзгариши ва савдо корхонаси ривожланишининг янги имкониятларини ҳисобга олган ҳолда маълум давр мобайнида тузатиш киритиб туришни тақозо этади.

Савдо корхонасининг стратегик мақсадларининг тузилиши қисқа ва аниқ, ҳар бир мақсаддан аниқ кўрсаткичларни ажратиб олган ҳолда ифода этилиши лозим. Бу орқали кейинчалик савдо корхонаси ўзининг ривожланиш стратегик мақсадларига қай даражада мувофиқлашгани баҳоланади. Стратегияни шакллантиришнинг ушбу босқичида умумий келажак даври доирасида стратегик мақсад кўрсаткичларига эришишнинг кетма-кетлиги ва муддати белгиланади. Бунинг учун ҳал этилаётган вазифаларнинг комплекслиги ва кетма-кетлигини ҳисобга олган ҳолда барча стратегик мақсад кўрсаткичларини вақтлар бўйича мувофиқлаштириш талаб этилади.

Савдо корхонасининг сиёсати савдо фаолиятининг алоҳида мақсадлари ва муайян жабҳалари доирасида унинг умумий стратегиясини келгусида амалга оширишдан иборатдир. Савдо корхонасининг алоҳида жабҳалари бўйича савдо менежменти сиёсатини шакллантириш ўз ўрнида турли даражада аҳамият касб этиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан персоналнинг таркиби ва сонини бошқаришнинг асосий мақсади савдо корхонаси фаолияти билан боғлиқ жонли меҳнат сарфлари оптимизацияси ва мутахассисликка, касбига, билим даражасига мос равишда ишчиларни иш жойи билан таъминлаш ҳисобланади.

Корхонада меҳнат жараёнларини лойиҳалаштириш умумий иш ҳажмини анқлаш ва унинг алоҳида гуруҳ бажарувчиларига бўлинишини

кўзда тутати. Савдо корхоналарида умумий бажариладиган иш ҳажмлари аввало режалаштирилган ҳажм ва чакана товар айланмаси таркиби билан, қолаверса, номенклатура ва харидорларга қўшимча хизмат кўрсатиш ҳажми билан ҳам аниқланади. Иш ҳажмига, шунингдек, савдо майдонининг катта-кичиклиги, фойдаланиладиган савдо технологиялари ҳам таъсир қилади. Бажариладиган ишнинг умумий ҳажми алоҳида гуруҳ бажарувчилари ўртасида тақсимланиши зарур. Савдо корхонасининг асосий меҳнат тақсимотининг турлари функционал, технологик, малакли ҳисобланади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ишлаб чиқариш муҳим бўғинлари ўзаро боғлиқлиги таъминланганида, тўлиқ барқарор жараёнга эришиш имкони бўлади. Барқарорликни таъминлашни такомиллаштиришнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратмасдан туриб, бир қатор принципиал талабларни ажратиб олиш лозим, чунки иқтисодиётнинг ривожланиши бевосита уларга риоя этилиши билан боғлиқ. Савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ижтимоий-иқтисодиётнинг роли ва аҳамияти жуда каттадир. Шу сабабдан ижтимоий-иқтисодий барқарорликни янада оширмоқ лозим. Ижтимоий-иқтисодий барқарорликни оширишни такомиллаштиришга таъсир этувчи асосий омиллардан бири мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш-хусусийлаштиришдан иборатдир. Савдо корхоналарининг барқарорлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири корхоналарда меъёрий тизимнинг қай даражада йўлга қўйилганлигидир.

Бугунги иқтисодий инқирозни бартараф этиш шароитида савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш учун эътиборни авваламбор савдо корхоналарининг самарадорлигини оширишга қаратиш, сўнгра жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминловчи замонавий, юқори технологияга эга ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида хорижий инвестициялар оқимини кўпайтиришга қаратиш лозим.

II БОБ. Самарқанд вилоятида савдо корхоналарининг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичларини ҳолати

2.1. Самарқанд вилоятида савдо корхоналарини чакана товар айланмаси кўрсаткичларини ўзгариш тенденциялари

«Бозор муносабатларига ўтишнинг амалга ошириб бориш демократии ўзгоришлар учун мустаҳкам иқтисодий замин ҳозирлайди, республикани тараққий этган мамлакатлар қаторига олиб чиқади, унинг халқаро миқёсдаги обрўсини мустаҳкамлайди»²⁰.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишни ҳисобга олган ҳолда, савдо корхонадари фаолиятининг келгуси даврлардаги вазифалари, илмий назариялардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Эркин иқтисодиёт тизимида савдони бошқариш, савдо корхоналарини иқтисодий кўрсаткичларини, яъни товар айланишини режалаштиришга таъсир этувчи ижобий ва салбий омилларни аниқлаш талаб этилади.

Истеъмол бозорида савдо ташкилотларининг тижорат фаолияти савдо-сотиқ жараёнига асосланади. Товар ва хизматлар савдоси иқтисодий нуқтаи назардан ташкилотнинг, товар айланмасини ифодалайди.

Савдо фаолиятида, хусусан чакана савдода ташкилот ва муассасаларнинг товар айланмаси деганда истеъмолчиларга етказиб берган, яъни сотилган истеъмол товарларининг пул шаклида ифодаланган ҳажми тушунилади. Савдо фаолиятида товар айланишининг моҳияти аҳоли даромадларини истеъмол товарларига айирбошлашга асосланган иқтисодий муносабатларда намоён бўлади.

Мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий сиёсатида мулкчиликнинг барча турдаги савдо ташкилотлари ва фаолиятнинг барча ташкилий-ҳуқуқий шакллариининг товар айланмаси муҳим аҳамиятга эга. Бошқача қилиб айтганда, товар айланмаси аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаби даражаси ва кўламини характерлайди, шунингдек у ишлаб чиқаришни рағбатлантиради ва ишлаб чиқариш ташкилотларида капитал айланишини

²⁰ Ўзбекистон Республикаси президентининг Фармони. Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора – тадбирлари тўғрисида. 2003 йил 28 январь.

жадаллашишига кўмак беради. Бундан ташқари ушбу жараён маълум бир маънода ташқи иқтисодий фаолият кўлами, пул маблағлари айланиши, бюджет тушумлари ва шу каби бошқа бир қатор макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқлашда ҳам ишлатилади. Аниқ бирор бир савдо ташкилоти фаолиятида ҳам товар айланмаси муҳим иқтисодий омил ва кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланиб, унинг хажм ёки миқдорий ўсиши ташкилотнинг истеъмол бозорига кириб боришининг кўлами, бозордаги рақобатбардошлилигини стратегик истиқболдаги умумий имкониятлари ва ташкилотнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини аниқлаб беради.

Савдо фаолияти товар айланмасининг ўсиши ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз ва тез суръатларда амалга ошишига, аҳолининг пул даромадларининг кўпайишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Аҳоли даромадлариинг ўсиши истеъмол фондлари ҳиссасига тўғри келадиган имтиёз ва туловлар ошишига, товар айланишининг янада юксалишига мустаҳкам асос бўлади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари саноат ва қишлоқ хўжалигининг маҳсулот ишлаб чиқариб, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни қондириш даражасининг юксалиб бориши, яъни товар айланишининг ривожлантирилиб борилишини шаҳар ва қишлоқ саноат корхоналари ва қишлоқ корхоналари орасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатнш ва алоқаларнн мустаҳкамламшга хизмат қилади.

Бозор нқтисоднёти шароитида савдо ташкилотларида товар айланишининг аҳамияти шундан иборатки, чакана савдо босқичида товарлар муомалоси тугулланиб, улардаги шахсий-инсоний ва моддий-ашёвий меҳнат сарфлари. Харажатлари ва истееъмол қиймати реализация қилинади. Бунинг натижасн ўлароқ жамиятнинг пул кўринишидаги ишлаб чиқариш ва айирбошлаш харажатлари қопланнб, ишлаб чиқариш корхоналарида ўз фаолиятини янгилаш нмкони туғилади ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигинн таъминлашга қулай шароит яратилади. Бундан ташқарн бозор

иқтисодиёти товар айланиши истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши, унинг ўсиши эса шахсий истеъмол учун келиб тушадиган товарлар массасининг кўпайишдан далолат беради. Яъни товар айланиши ишлаб чиқарилиши кўпайиб бораётган барча товарлар массасининг реализацияси орқали аҳоли истеъмолига таъсир кўрсатади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибди-ки, товар айланмаси хажми халқ истеъмоли даражасининг кўрсаткичларидан бири бўлиб, ишлаб чиқариш билан ҳар томонлама узвий боғлиқлик ва мустаҳкам мутаносиб алоқадорликда бўлади. Уни ўстириш эса халқ турмуш даражаси, моддий ва маданий фаровонлигининг юксалишини тавсифлайди.

Товар айланиши савдо ташкилотлари ривожини ифолаловчи белгилар тизимида фақатгина бир ёқлама роль ўйнамайди, аксинча у савдо ташкилотлари фаолият хажми на даражасини белгилаб берувчи асосий кўрсаткич бўлиш билан бирга ресурслар потенциали, яъни меҳнат, хом-ашё ва молиявий захиралар сарфи, таркиби, шунингдек муомала харажатлари йиғиндиси ва таркибини аниқловчи кўрсаткич сифатида ҳам эътиборга моликдир. Айни вақтда товар айланмадари учун, бозор иқтисодиёти шароитида савдо ташкилотларининг товар айланмаси, ушбу савдо фаолиятидан келувчи фойдага нисбатан эластик, яъни эгилувчан муносабатда бўлади.

Савдо корхоналарида товар айланиши бир нечта кўриниш ва шаклларда амалга ошириш мумкин. Шу ўринда, савдо ташкилоти товар айланмадарининг умумий таркибида, уларнинг бир неча турларини ажратиш кўрсатиш мумкин.


Истеъмол бозори ҳолати ва ривожланиши суръатлари мамлакат иқтисодиётнинг умумий ҳолати, аҳоли тўловга қобиллик ҳолати даражасини акс эттиради. Конъюнктура тадқиқотлари истеъмол бозори ҳолатини баҳолаш усулларида биридир. Республика товар бозорлари конъюктурасини ўрганиш

маркази (РТБКЎМ) томонидан Тошкент шаҳрининг (барча мулкчилик шаклидаги) 620 чакана савдо корхоналарини танлаб, синовдан ўтказиш шаҳар истеъмол бозоридаги хўжалик субъектлари умумий ҳолати ва тараққиёт суръатларини таҳлил қилиш имконини берди. Бу мазкур бозор ҳолати ва динамикасини бевосита акс эттиради.

Савдо корхоналарининг умумий иқтисодий ҳолати таҳлили 2014 йилда ҳар чоракда ўтказилган чакана савдо билан шуғулланадиган савдо корхоналарини ўрганиш материаллари респондентларининг ўз корхоналари амалий фаоллиги асосий индикаторлари ҳақидаги фикрини намоён қилади. Тадқиқ қилинган корхоналар иқтисодий вазияти динамикасининг умумий йўналиши ва молиявий ҳолати аниқланди. 2014 йил I ва III чоракларида истеъмол бозори хўжалик субъектлари иқтисодий ва молиявий ҳолатининг ўсиши кўзга ташланди. II ва IV чоракларда, аксинча, улар пасайди. Бунини истеъмол эҳтиёжлари, ички валюта бозорини эркинлаштириш тадбирлари, энг кам иш ҳақини ошириш билан боғлиқ мавсумий ўзгаришлар билан изоҳлаш мумкин.


Тегишли индикаторларни ҳар чоракда таҳлил қилиш 2014 йилда савдо корхоналари иқтисодий ва молиявий ҳолатининг нисбатан барқарорлиги ҳақида сўзлаш имконини беради. IV чоракда I чоракка қараганда жорий иқтисодий вазият ва молиявий ҳолатнинг амалдаги баҳолари манфий сальдоси катталиги тегишли равишда 2,6 ва 2,8 кичик бандга ошди. Бутун йил мобайнида ўрганиб чиқилган корхоналарнинг 80 фоизи молиявий – иқтисодий ҳолати қониқарлилигини ижобий ҳолат деб аташ мумкин. Бу барча турдаги савдо корхоналари учун хосдир (1 - диаграмма).

2014 йилда корхоналар молиявий – иқтисодий ҳолати ўзгариши



“Чакана” ва “фирма” корхоналар иқтисодий ва молиявий ҳолати оғирлашди. “Улгуржи” корхоналарда бу нисбатан яхшироқ бўлди. Чакана савдо билан шуғулланадиган корхоналар молиявий – иқтисодий ҳолати динамикаси йўналиши ўзаро боғлиқ. Лекин бу кўрсаткич 2014 йил I ва III чоракда муайян ўсиб, II ва IV чоракларда пасайган амалий фаоллик йиллик динамикаси йўналиши билан бир хил эмас (2 - диаграмма).

2014 йилда савдо корхоналар молиявий – иқтисодий ҳолати ва амалий фаоллик ўзгариши



Бундай тамойил савдо корхоналарининг шаҳар истеъмол бозори шароитларига кўникмаганлигидан далолат беради.


Ўтган йил учун савдо корхоналари амалий фаоллиги кўрсаткичларини солиштиришма баҳолаш тегишли индикаторлар динамикаси ёмонлашаётганлиги, бу 2014 йил I чоракка қараганда 6,8 кичик бандга камайганлигини кўрсатди. Тегишли равишда савдо корхоналари умумий амалий фаоллиги ҳамда уларнинг 2014 йилдаги ўзгарувчан конъюнктурага кўникиши даражаси пасайди. Бироқ савдо корхоналари тадбиркорлик фаоллиги умумий “баҳолаш сальдоси” мазкур корхоналар молиявий – иқтисодий ҳолатини баҳолаш кўрсаткичлари анча юқоридир. Бу корхоналар амалий имкониятлари юқорилиги ва уларнинг хўжалик фаолиятига таъсир қиладиган ташқи салбий омиллар борлигидан далолат беради.

Ўтган йилда савдо корхоналари амалий фаоллиги индекатори барча турдаги корхоналарда умумий ижобий кўринишини (ижобий сальдога эгаллигини) сақлаб қолди. “Улгуржи” корхоналар фаоллиги 2014 йил охирида бироз пасайди: сальдо IV чоракда -0,5 бўлди.

Корхоналар хўжалик фаолиятини ўсиб бораётган рақобатчилик шароитида амалга оширди. Улгуржи савдо соҳасида бозор бўйича амалий шериклари қўллаб – қувватлашини сезган корхоналар миқдори ошганлиги рақобатчилик муҳити кучайганлигини кўрсатди. Шундай қилиб 2014 йил IV чоракда I чоракка қараганда шундай қўллаб – қувватлашни ҳис этган корхоналар миқдори 3 кичик бандга ўсди. Истеъмол бозорида ўзини барқарор деб ўйлайдиган корхоналар сони (2,8 кичик бандга) қисқарди. “Улгуржи” корхоналар ўта мустақил ҳолатга эга. Уларнинг муайян фоизи истеъмол бозори бўйича шериклари рақобатчилигини деярли сезмаяпти.

Истеъмолчилар тўловга қобиллик эҳтиёжининг пасайганлиги дўконларда харидорлар оқими камайганлигида кўринади. 2014 йилда ҳар чоракда ўтказилган харидорлар амалий ва тахминий миқдорини баҳолаш динамикаси (3 – диаграмма) чакана савдо корхоналари харидорлари оқими пасаяётганлигидан гувоҳлик беради. Шундай қилиб 2014 йил IV чоракда харидорлар миқдорини баҳолашнинг манфий сальдоси (-14, 8) 2015 йил I чорагига (сальдо -7,3) қараганда 7,6 кичик бандга кўпайди.


2014 йилда харидорлар миқдори ўзгариши



Савдо корхоналари ривожланиши динамикасини кўп томондан белгилаб берадиган харидорлар миқдори уларни ривожлантиришнинг ташқи омили ҳисобланади. Бунда харидорлар оқими шиддати бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган аҳоли тўловга қобиллик эҳтиёжи даражаси ва солиққа тортиш катталигига таъсирини кўрсатади. Шундай қилиб, ушбу омилларнинг бироз яхшиланиши харидорлар сонига ижобий таъсир қилди: 2014 йил III чорагида дўконлардаги харидорлар миқдори ўсиши кўзга ташланди (4-диаграмма).

4-диаграмма

Корхоналарнинг харидорлар миқдorigа таъсир қиладиган муаммолар



2014 йилда харидорлар оқими ўсиши ўзгаришнинг йўналиши савдо корхоналари молиявий-иқтисодий ҳолати ҳамда улар амалий фаоллигини акс эттирадиган индикаторлар умумий ўзгаришига тўғри келади. Аввалги йил I ва III чорақларида ҳам харидорлар миқдори кўпайиб, II ва IV чорақларда улар миқдори қисқарганлиги ҳам ёдга тушади. Бу бозордаги истеъмолчилар эҳтиёжи мавсумдан келиб чиқиб ўзгаришини ҳамда корхоналар хўжалик фаолиятига ташқи омиллар ҳам таъсир қилишини тасдиқлайди.

Харидорларнинг дўконлардан кам харид қилиши барча турдаги корхоналарга хос бўлди (салбий сальдо). Харидорлар миқдори камлиги, айниқса, “чакана” ва “фирма” дўконларида кўринади. Уларда 2015 йил I чорақидаги маълумотларга қараганда жорий ҳолат баҳолари манфий сальдоси йил охирига келиб тегишли равишда 6,2 ва 1,6 кичик бандларга камайди.

2.2. Савдо корхоналарида товар айланишини ҳажми ва таркибини ривожлантириш босқичлари

Товарларни сотиш ҳақи ва структурасини режалаштириш товар айланишини иқтисодий бошқариш тизимидаги энг муҳим босқич бўлиб ҳисобланади. Бу ҳол ушбу кўрсаткичларнинг савдо корхонасининг иқтисодий ва молиявий ривожлантириш тизимидаги юқори аҳамияти билан изоҳланади.

Савдо корхоналарида товарларни сотиш ҳажми ва структурасини реалаштириш жараёни алоҳида босқичлар бўйича амалга оширилади. Бу босқичларнинг энг асосийлари қуйидагилар.

1. Корхонада товар айланишини ривожлантиришнинг устувор мақсадларини белгилаб олиш. Товар айланиш ҳажми ва таркибий тузилишини режалаштиришда берилган савдо корхонасида айланишини ривожланиши усул белгиланадиган мақсадлардан келиб чиқиш мумкин. Бундай мақсадлар ичида қуйидаги кабилар асосли ҳисобланади.

**Савдо ташкилотларида товар айланиши ҳажми ва таркибини
режалаштиришнинг алоҳида босқичлари кетма-кетлиги.**



а) *Товар айланишининг истеъмол бозорининг берилган сегменти ва унинг конъюнктура ўзгаришлари имкониятларини максимал равишда ҳисобга олган ҳолда маълум кўрсаткичларга эришиш.* Бундай мақсадли ёндашиш истеъмол бозори истеъмолчилар талаби тўлиқ қондирилмаган сегментлари учун ҳарактерли бўлиб, одатда бундай сегментларда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар режали даврда ўз фаолиятининг на ассортиментли, на регионал диверсификациясини ҳисобга олган бўлади. Товар айланиши юксалишининг табиий чекланишлари бу ҳолда истеъмол бозоридаги берилган сегментда харидорлар талаби ва рақобат муҳити бўлиб ҳисобланади.

б) Савдо корхоналарининг мавжуд ресурс потенциалини максимал даражада самарали ишлатилишини таъминлайдиган товар айланишини кўрсаткичларига эришиш. Бундай мақсадга йндашиш олдин ўз фаолияти учун истикболсиз сегментларни танлаган ва улардаги конъюнктуранинг салбий ўзгаришлари сабабли товар сотилиш ҳажми, бундан эса савдо майдонлари, персонал ва бошқа ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бирданига пасайган корхоналар учун характерлидир. Бундай ташкилотлар товар айланмасини юксалтиришини таъмин этиш режали даврда улар фаолиятини ассортиментли диверсификациялаш шароитидагина мумкиндир (тижорат фаолиятини ҳудудий диверсификациялаш чекланган, чунки уларнинг (ташкилотларнинг) бир қисм ресурслари – савдо нуқталари, персонал ва шу кабилар берилган ҳудудга «боғланиб қолган»). Товар айланишини, бу ҳолда чекловчи омил бўлиб мавжуд ресурс потенциалининг ҳажми тушунилади.

с) Келишилган ёки қутилаётган, ташкилот ривожининг (режали даврда)стратегик мақсадларини асослайдиган фойданинг ҳажмини, яъни суммасини шаклланишитаъминлайдиган товар айланиши кўрсаткичларига эришиш. Бундай мақсаднинг қўйилиши савдо корхоналари ҳаётий циклининг бошланғич ёки оралик босқичларидаги ҳолати учун характерлидир. Бундай мақсадни амалга оширилиши товар айланишини режалаштириш даврида (жараёнида) на ассортиментли, на ҳудудий диверсификация билан чекланган бўлади.

Товар айланишини ривожлантирилишининг юқорида айтиб ўтилган мақсадлари ўзаро нозик алоқада бўлишига ва уларнинг комплекс мажмуисиз амалга оширилиши қийин бўлишига қарамай, улар орасида бирор устувор мақсадни танлаш (айнан шу савдо корхонасига мос келадиганини) режали кўрсаткичларни ҳисоблаш услубларига ва бу кўрсаткичларнинг миқдорий қийматлари ҳал қилувчи, асосий таъсир кўрсатиши мумкин.

2. Режа олди даврида товарлар айланиши ҳажми ва тузилишини таҳлили. Бундай таҳлилни ўтказиш вазифаси ва унинг кўлами

даражаси режалаштирилган даврда савдо корхонасининг товар айланиши юксалиши учун белгиланган устувор мавсадга мувофиқ келиши лозим. Шунга боғлиқ тарзда таҳлил жараёнида режа олди даврдаги товар айланиши юксалишини тавсифловчи умумий кўрсаткичлар ва шу юксалишнинг у ёки бу белгиланган устувор мақсади (режалаштирилган давр учун) билан бевосита боғлиқ бўлган хусусий кўрсаткичлар кўриб чиқилади.

Товар айланишининг алоҳида кўрсаткичлари динамикасини ўрганишда, режа олди даврда, нархларнинг қиёсий даражалари мавжуд бўлиши керак. Нашр этилаётган биринчи таҳлил қилинадиган даврга нисбатан олинган инфляция индекслари ҳам айнан шу мақсадларда қўлланилади. Товарларнинг умуман сотилишининг кейинги кўрсаткичлари қуйидаги формула орқали таққослама ҳолга келтирилади: